

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”

акциядорлик-тижорат банки

Бошқарувининг

2022 йил “19” январ даги
3-2-сонли қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”

акциядорлик-тижорат банки

Кузатув кенгаши мажлисининг


2022 йил “31” январ даги
26-сонли баённомаси билан

Бошқарув раиси



О. Бутаев

Кузатув кенгаши раиси



О. Исаков

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
Эмиссия сиёсати**

Тошкент – 2022 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг Эмиссия сиёсати “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда – банк) эмиссиявий ва ноэмиссиявий қимматли қоғозларини чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида банкнинг ўз қимматли қоғозларини чиқариш борасидаги фаолияти ушбу Эмиссия сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

Эмиссия сиёсатининг **мақсади** – ўз капиталини шакллантириш ва ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида банк иштирокини кенгайтириш орқали реал сектор корхоналари фаолиятини рағбатлантиришдан иборат.

3. Эмиссия сиёсатининг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаоллигини ошириш, банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш орқали банк ресурслари базасини кенгайтириш;

ресурсларни жалб қилиш учун қарз қимматли қоғозларни чиқариш;

банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш.

4. Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ эмиссиявий ва ноэмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш ҳуқуқига эга.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар – акция, облигация, халқаро облигациялар, шунингдек қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – опционлар ва қимматли қоғозларга доир фьючерслар.

Ноэмиссиявий қимматли қоғозлар – депозит сертификатлари ва омонат сертификатлари.

2-боб. Қимматли қоғозлар

5. Ташқи манбалар ҳисобига капитал ва ресурсларни жалб этиш зарурияти пайдо бўлганда банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъқиқланмаган барча турдаги қимматли қоғозларни муомалага чиқаради.

6. Акцияларни чиқариш устав капиталини шакллантириш ёки кўпайтириш учун юридик ва жисмоний шахслар орасида жойлаштириш мақсадида амалга оширилади, бунда:

банкнинг оддий акцияларини сотиб олган шахслар унинг эгалари ҳисобланиб, ўз улушига мутаносиб равишда банкнинг белгиланган тартибда бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар;

акциядорлар умумий йиғилишида дивидендлар тўланиши ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, акциядорлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан уларни олиш ҳуқуқига эга;

акциялар эгалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда навбат тариқасида банк тугатилишида ўз улушига мутаносиб равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

7. Банк қонунчилик ҳужжатларига ва банк Уставига мувофиқ облигацияларни, халқаро облигацияларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Банкнинг облигациялари банк акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Банк мол-мулк билан таъминланган ва таъминланмаган облигацияларни уларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

Банк томонидан облигацияларни чиқариш, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Банк томонидан банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

облигация – эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулккий ҳуқуқларини тасдиқлайди.

халқаро облигация – сотиладиган эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у эмитент томонидан чиқарилади ва молиявий ташкилотларнинг гуруҳи томонидан жойлаштирилади, эмитентнинг мамлакатидан ташқари бир ёки ундан кўпроқ давлатда таклиф этилади, бирламчи равишда (шу жумладан обуна бўйича) фақат ушбу гуруҳ орқали сотиб олинади.

8. **Опцион** – эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқни тасдиқлайди.

Банк қонунчилик ҳужжатларига ва ўз Уставига мувофиқ қимматли қоғозларга доир опцион чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

9. Қимматли қоғозларга доир **фьючерс** – қимматли қоғоз бўлиб, у ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайди.

Банк қонунчилик ҳужжатларида ва ўз Уставига мувофиқ қимматли қоғозларга доир фьючерс чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

10. **Депозит сертификати** ва **омонат сертификатлари** юридик ва жисмоний шахслар орасида жойлаштириш, ресурсларни жалб этиш ва юқори даромадли активларга йўналтириш мақсадида чиқарилади.

Банк томонидан банк Бошқаруви қарорига кўра, депозит сертификатлари ва омонат сертификатлари бланка кўринишида

чиқарилади. Депозит сертификатлари 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга чиқарилади.

Сотилган депозит сертификатлари ва омонат сертификатлари бўйича уларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ депозит ва омонат суммаси қайтарилади ва ўрнатилган фоиз тўланади.

Депозит сертификатлари ва омонат сертификатлари бўйича депозит ва омонатни муддатидан олдин талаб қилиб олиш шартлари уларнинг чиқариш шартларида белгиланади.

3-боб. Қимматли қоғозларни чиқарилиш тартиби ва шартлари

11. Акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Шунингдек, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали банк устав капиталини кўпайтириш юзасидан қарор банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилиниши мумкин.

12. Эмиссиявий қарз қимматли қоғозларни чиқариш шартлари банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш;

б) қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш;

в) қимматли қоғозлар чиқаришни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга олиш;

г) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги ахборотни қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Эмиссия сиёсатида белгиланган тартибда ошкор қилиш;

д) чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш;

е) рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш.

13. Ноэмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва унинг шартлари банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

14. Эмиссиявий қарз қимматли қоғозларни чиқариш шартлари, айнан чиқарилиш ҳажми, муомала муддати, фоиз тўловлари (ёки дисконт) ликвидлилики самарали бошқаришни таъминлашга масъул бўлган банкнинг тегишли қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ҳамда банк Бошқаруви томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш учун банк Кузатув кенгашига киритилади.

4-боб. Қимматли қоғозларни жойлаштирилиши

15. Банк томонидан қимматли қоғозларни жойлаштириш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Банк ўз қимматли қоғозларини мустақил равишда, шунингдек банклар ва инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш ҳуқуқига эга.

17. Қимматли қоғозларни жойлаштириш қуйидаги турларда амалга оширилиши мумкин:

очиқ обуна орқали (қимматли қоғозларни сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда жойлаштириш);

ёпиқ обуна орқали (қимматли қоғозларни олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида оммавий эълон бермаган ва реклама кампанияси ўтказмаган ҳолда жойлаштириш).

18. Жойлаштирилаётган қимматли қоғозларнинг сони эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган қимматли қоғозлар сонидан ортиқ бўлмаслиги керак.

19. Банк, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичида чиқарилаётган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришни тугаллаши шарт.

20. Оммавий жойлаштириш эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач, амалга оширилади.

21. Банк мазкур қимматли қоғозлар олингунига қадар инвесторга қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи ва эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт.

22. Банк ўз қимматли қоғозларини қимматли қоғозлар биржа бозорида ва биржадан ташқари бозорида бирламчи жойлаштириш ҳуқуқига эга.

23. Банк депозит сертификатлари муомаласи амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

5-боб. Қимматли қоғозлар муомаласи ва ликвидликни таъминлаш

24. Қимматли қоғозлар, уларни чиқариш шартларига кўра, қимматли қоғозлар бозорининг биржа ва биржадан ташқари савдоларида олди-сотди объекти бўлиши мумкин.

25. Банк акцияларини ўз эгаларидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб асосида қайта сотиб олиши мумкин.

26. Банк ўзининг қарз қимматли қоғозларини (облигациялар, депозит сертификатлар, омонат сертификатлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича) муайян муддатда тўлиқ ҳажмда сўндириш мажбуриятини олади, шунингдек банк қарз қимматли қоғозлар эгаларининг хоҳишига асосан қимматли қоғозларни чиқариш шартлари асосида муддатидан олдин сўндириш мажбуриятини олади.

6-боб. Банк акцияларига эгалик қилишга доир рухсатнома ва чеклов

27. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

28. Агар банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

7-боб. Ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш

29. Банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

8-боб. Эмиссия сиёсатининг ижросини ташкил қилиш

30. Эмиссия сиёсатининг устувор йўналишларини сўзсиз ижросини ташкил қилиш ва таъминлаш масъулияти банк ижроия органи – банк Бошқаруви зиммасига юклатилади.

31. Эмиссия сиёсатининг ижро этилиши юзасидан банк Бошқарувининг ҳисоботи даврий равишда банк Кузатув кенгаши мажлисида тинглаб борилади.

32. Эмиссия сиёсати заруриятга кўра ва жорий иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, банк стратегиясининг ўзгаришига, шунингдек банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб қилувчи қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишига қараб қайта кўриб чиқилади.

9-боб. Якуний қоидалар

33. Ушбу Эмиссия сиёсати банк Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.


34. Ушбу Эмиссия сиёсатига банк Кузатув кенгаши қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

35. Ушбу Эмиссия сиёсати кучга кирган кундан бошлаб банк Кузатув кенгашининг 2021 йил 28 январда 13-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг 2021 йилга мўлжалланган Эмиссия сиёсати” ўз кучини йўқотади.

36. Банкнинг ташкилий тузилмаси ўзгартирилиши муносабати билан мазкур Эмиссия сиёсатида келтирилган таркибий бўлинмалар қисқартирилган, номлари ўзгарган ҳолатларда, ушбу таркибий бўлинмаларга тааллуқли Эмиссия сиёсати қоидалари уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари ўтказилган (ворис) таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

37. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Эмиссия сиёсатининг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, мазкур Эмиссия сиёсатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилади.

38. Ушбу Эмиссия сиёсати талабларини бузган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.



FORAT

Handwritten signature